



# ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ

МАВЗУСИДАГИ ИЛМИЙ  
КОНФЕРЕНЦИЯ

**№1**  
26 МАРТ

**2020**

Конференцияга қуйидаги шўъбалар бўйича мақолалар қабул қилинади:

1. Санъат ва маданият фанлари
2. Тарих фанлари
3. Фалсафа фанлари
4. Филология фанлари
5. География фанлари
6. Педагогика фанлари
7. Психология фанлари
8. Социология фанлари
9. Ижтимоий-гуманитар фанлари
10. Жисмоний маданият

 I WORLD of  
JOURNALS

 Google Scholar

 Academic  
Resource  
Index  
ResearchBib



<http://oac.dsmi-qf.uz>

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI

O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING  
FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI

“ORIENTAL ART AND CULTURE” ILMIY-METODIK JURNALI

# “O‘ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA‘LIM”

KONFERENSIYASI TO‘PLAMI  
(1-QISM)

26 Mart 2020 yil



Qo‘qon shahri

## Table of Contents/Мундарижа

### SAN'AT VA MADANIYAT

|     |   |    |
|-----|---|----|
| 1.  | Шамсиддин Усмонов<br>КЛАССИК АСАРЛАРНИ САҲНАЛАШТИРИШДА РЕЖИССЁРНИНГ<br>БИЛИМ ВА ЁНДАШУВИ                                | 1  |
| 2.  | Otaboyeva Ozoda Anvarjonovna<br>SHE'RIY SAN'ATLAR   | 7  |
| 3.  | Mamadaliyeva Aziza Mansurjon qizi<br>YOSH IJROCHILARNI TARBIYALASHDA BASTAKOR ABDUHOSIM<br>ISMOILOV IJODI               | 9  |
| 4.  | Shuhrat Mansurov<br>AKTYORLIK MAHORATI SHAKLLANISHIDA DIQQAT<br>MASHQLARINING O'RNI VA AHAMIYATI                        | 13 |
| 5.  | R.Ibrohimova, Z.Tog'ayev<br>JAHONDA VA O'ZBEKISTONDA ETNOLOGIYA FANINING<br>RIVOJLANISH TARIXI                          | 17 |
| 6.  | Бобур Каримов, Карим Юлдашев<br>САҲНА САНЪАТИДА “ДИҚҚАТ”НИНГ АҲАМИЯТИ   | 23 |
| 7.  | Шамсиддин Усмонов, Бобур Каримов<br>КЛАССИК АСАРЛАРДА АКТЁРНИНГ ИЖОДИЙ ЁНДАШУВИ   | 27 |
| 8.  | Исмаилова Мухтасархон Мамуржонова<br>МУСИҚА ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШНИНГ СИФАТ ВА<br>САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ         | 30 |
| 9.  | Умидахон Болтабоева, Бобур Каримов<br>НУТҚ САНЪАТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ: МУАММО ВА<br>ЕЧИМЛАР                     | 38 |
| 10. | Талабоев Азизжон Набижонович, Сиддиқжон Мадаминов, Гофиржон Юнусов<br>АНЪАНАВИЙ ҚЎШИҚЧИЛИК МАҲАЛЛИЙ УСЛУБЛАРИ           | 51 |
| 11. | Азизбек Ҳайдаров, Баратов Шукуржон Имомалиевич<br>ВОКАЛ ХОР ЖАМОАЛАРИНИНГ БАРКАМОЛ АВЛОД<br>ТАРБИЯСИДАГИ АҲАМИЯТИ       | 59 |
| 12. | О.А.Сбирова<br>ЗНАЧЕНИЕ КУРСА «ИСТОРИЯ УЗБЕКСКОЙ МУЗЫКИ» В<br>ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКЕ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ<br>МУЗЫКИ    | 62 |
| 13. | Qodirov Abdullojon Akbar o'g'li<br>O'ZBEK VA TOJIK XALQ OG'ZAKI IJODIDA DOSTON JANRI<br>IJROCHILIK ATAMALARINING QIYOSI | 65 |
| 14. | Muxammadjonova Muslimaxon<br>MILLIY AN'ANAVIY QO'SHIQLARNING INSON TARBIYASIDA TUTGAN<br>O'RNI                          | 69 |
| 15. | Мухиддинова Мохидил<br>ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ТИНГЛАШ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ<br>ОМИЛЛАРИ                                       | 72 |
| 16. | Matluba Xursanova<br>BOLALARNING SEHRLI OLAMI - QO'G'IRCHOQ TEATR   | 77 |
| 17. | Э.Кобилова<br>АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА МУСИҚА  | 79 |
| 18. | А.Бакиров<br>ТЎХТАСИН ЖАЛИЛОВНИНГ ҲАЁТИ ВА ИЖОДИ ОРҚАЛИ   | 84 |

|     |   |            |
|-----|---|------------|
| 77. | O'tkirbek Madumarov<br>SULTONXON ADONING BADIY ASARLARDA TARIXIY OBRAZ<br>SIFATIDAGI ISHTIROKI  | 296        |
| 78. | Ro'ziyev Elbek O'rol o'g'li<br>"TARIXI RASHIDIY" DA HIROT ADABIY MUHITI IJODKORLARI ZIKRI   | 299        |
| 79. | <b>Захира Хидралиева</b><br><b>ЎЗБЕК ТИЛИ ИҚОН ШЕВАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</b>  | <b>302</b> |
| 80. | Мунаввара Курбонова<br>ОНТОГЕНЕЗ ДАВРИДА ДЕЙКСИСНИНГ ВОҚЕЛАНИШИ   | 307        |
| 81. | Исакова Дилафруз Фахриддиновна<br>ОАВ ТИЛИ  | 310        |
| 82. | Ubaydullayeva Zulkhumor, Ubaydullaeva Durdona, Yuldasheva Zarnigor<br>POLYSEMY IN UZBEK   | 313        |
| 83. | Toshboltayeva Lobarxon<br>BOSHLANG'ICH SINFI ONA TILI DARSLIKLARIDAGI AMALIY<br>MASHQLARNING O'QUVCHILAR NUTQINI RIVOJLANISHIDAGI<br>AHAMIYATI                  | 316        |
| 84. | Nilufar G'ofurova<br>ZAMONAVIY HIKOYACHILIGIMIZDA AYOL OBRAZI TAHLILI   | 320        |
| 85. | Gulchiroy Turdaliyeva<br>FARAZIMIZDAGI FRAZEMALAR   | 323        |
| 86. | Ashurxon Ismoilovna Matkarimova<br>SO'ZLASHUV NUTQIDA ERKALASH, HURMAT VA KICHRAYTIRISH<br>SEMANTIKASI TADQIQI XUSUSIDA   | 325        |
| 87. | Turdiyeva Shohista Bahridin qizi, Maksumova Saida Sunnatovna<br>WAYS OF FORMATION AND TRANSLATION OF OCCASIONAL WORDS<br>IN FICTION                             | 328        |
| 88. | Г.Я. Тожиева<br>ВРЕМЯ В МЕЖКУЛЬТУРНОЙ КОММУНИКАЦИИ  | 332        |
| 89. | Yuldasheva Yoqutxon Jumaboy qizi<br>ETYMOLOGY OF ANTHROPOLOGY IN ENGLISH AND UZBEK<br>LANGUAGES   | 337        |
| 90. | Abdug'aniyeva Zebuniso Abduhafizovna<br>TARKIBIDA ZOOMORFIZM QATNASHGAN INGLIZ VA O'ZBEK<br>MAQOLLARINING QIYOSIY TAHLILI                                       | 343        |
| 91. | Munira Abdullayeva<br>ILM-FAN TARAQQIYOTINING LINGVISTIKA SOHASIGA KO'RSATGAN<br>BEVOSITA TA'SIRI HAQIDA  | 346        |
| 92. | Abdurasulova Nilufar Abdusalimovna<br>LINGUOCULTURAL PECULIARITIES OF WORDS IN TRANSLATION  | 349        |
| 93. | Toshtemirova Khosiyat<br>TRANSLATION PROBLEMS IN ENGLISH  | 352        |
| 94. | Artiqova Iroda Shavkat qizi<br>INGLIZ VA O'ZBEK ADABIY ERTAKLARIDA SEHRLI PREDMETLAR<br>OBRAZI  | 354        |
| 95. | Diyora Mahmudjonova<br>IMPORTANT ASPECTS OF STUDENTS' GROUP-WORKING AND NEW<br>IMPLEMENTATION AND INTERPRETATION OF GROUPING METHODS<br>IN THE LEARNING PROCESS | 357        |
| 96. | Гулмира Сатторова<br>ТАРЖИМАНИНГ МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТДАГИ ЎРНИ  | 359        |

## ЎЗБЕК ТИЛИ ИҚОН ШЕВАСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Захира Хидралиева

zaxira.999@gmail.com

Алишер Навоий номидаги ТДЎТАУ

*Аннотация:* Мақолада ўзбек тили Иқон шевасининг ўрганилиши тарихига доир айрим маълумотлар таҳлил этилади. Шунингдек, шеванинг ўзига хос фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлари ҳақида фикр юритилади.

*Калит сўзлар:* лисон, шева, диалект, лаҳжа, ўғуз, сингармонизм, чўзиқлик, тадқиқотчи, диалектал сўзлар.

Ўзбек тили диалект ва шеваларга ниҳоятда бой бўлиб, қадимдан тилшунос олимларнинг диққат-эътиборини тортиб келади. Сабаби, шевалар тилда мавжуд бўлган барча лингвистик хусусиятларни ўзида тўла намоён қила олиши ҳамда жозибалилигидадир. Биз ўрганаётган Иқон шеваси ҳам XX асрнинг бошларидаёқ забардаст рус диалектологининг назарига тушди.

Мазкур шеванинг лисоний хусусиятлари ҳақидаги дастлабки маълумотларни афсонавий турколог, диалектолог Е. Д. Поливановнинг илмий изланишларида учратамиз. 1929 йилда “Известия” журнали 7-сонида олимнинг Иқон шевасига бағишланган “Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд)”<sup>1</sup> номли мақоласи чоп этилади. Мазкур мақолада олим ўзбек шеваларининг қаторида кичик, аммо ғоят қизик бир гуруҳ шевасини кўрсатиб, бу шевани “сингармонизмли туркманлашган гуруҳ” ёки “ўғуз гуруҳи” деб аташ мумкинлигини айтади. Поливанов биринчилар қаторида Иқон шевасини бошқа ўзбек шеваларидан фарқлаб турувчи қатор хусусиятларни аниқлади. Қадимги туркий тилга хос бўлган ажойиб фонетик хусусият – чўзиқ унлиларнинг мавжудлигини таъкидлаб, Иқон шеваси вокализми 18та унлидан иборат деб белгиланади. Ҳақиқатан ҳам, шевада ҳар бир қисқа унли ўзининг чўзиқ вариантыга эга бўлиб, ҳозирда ҳам чўзиқ унлилар амал қилмоқда: а- а:, ә- ә:, э-э:, о-о:, ө- ө:, у-у:, ү- ү:, ь-ы:, ь-и:.

Бирламчи чўзиқ унлилар ёзма ёдгорликларда туркий сўзларнинг асосий позициясида (биринчи бўғинда) қўлланган<sup>2</sup>. Биз ўрганаётган шевада ҳам бирламчи чўзиқ унлилар бир бўғинли сўзларда ва сўзларнинг биринчи бўғинида кўпроқ учрайди. Масалан:

<sup>1</sup> Поливанов Е. Д. Фонетическая система говора кишлака Икан (Туркестанский уезд) // Известия. АН СССР, 1929. серия 7, №7, Б.-528.

<sup>2</sup> Маҳмудов Қ. Ўзбек тилининг тарихий фонетикаси – Тошкент: Ижод, 2006 – Б.55.

а: а: к (оқ), ча:л (қария), жа:м(тоғора), а:ш (оч), ға:з (оғирлик), қа:н, ма:л, жа:н, на:н, ба:р(мавжуд), да:ғ(тоқ), са:н, йа:н, йа:р, та:ш;

ә: мә:з (хурсанд), кә:н (мўри), кә:вн (кўнгил), дә:дә (дада), ә:дә, ә:бә, тә:тә, бә: рь, кә:сә, кә:зек, ҳә:ммә , йә:гәдә (баъзида);

э: э:ш (дугона), кэ:ш (кеч), бэ:ш (беш), э:шик, бэ:шк, кэ:чә, э:р (эрта), бэ:л, э:н, бэ:з, тэ:з, бэ:ләд, тэ:рәк, сэ:зд, тэ:рд, э:ринд каби.

Шу билан бирга Поливанов Иқон шевасининг ўзига хос лингвистик хусусиятларини кўрсатиб ўтади:

Шу билан бирга Е.Д.Поливанов Иқон шевасига оид яна айрим маълумотларни келтиради:

1. Туркистон шевасига нисбатан лаб сингармонизмининг нафақат ёпик бўғинли сўзларда, балки очик бўғинда ҳам мавжудлигини кўрсатади. Мисол сифатида *qol-um, qol-u, o-qi* сўзларини келтиради.

2. Сўз охирида з ундошининг жарангсизлашишини айтади. Ҳақиқатан ҳам, *келингиз* сўзи шевада *кәңс* тарзида талаффуз қилинади.

3. *Бол* сўзидаги *б* ундоши тушиб қолади.

4. Қаратқич келишиги аффиксининг (уни *genetiv* деб номлайди) *-ың/-иң// -ьң/-уң* вариантларини кўрсатади. Қўшимча сифатида шуни айтиш мумкинки, Иқон шевасининг ўзига хослиги бу ўринда лабланган унлили сўзларга *-уң/-уң* аффиксининг қўшилишини ҳам келтириш мумкин. Бошқа вариантлар Туркистон шеваси билан умумийликка эга.

5. I шахс эгалик қўшимчаларидан сўнг жўналиш келишигининг *-а/ә* аффиксли вариантлари қўшилишини келтиради. Маълумки, бу барча ўғуз гуруҳ шеваларига хос, лекин Иқон шевасидаги бу хусусият Туркистон шевасининг қарлук гуруҳига ўз таъсирини ўтказа олган<sup>3</sup> ва бу шевада ҳам *-а/ә* аффикслари юқоридаги фонетик шароитда баравар қўллана олган.

6. Чикиш келишигининг *-дун/тун/дын/дин* аффикси билан ифода қилинишини кўрсатади. Албатта, бу хусусият бошқа ўғуз шевалари учун характерли эмас. Хоразм шеваларида бу келишиқда барча сингармонистик вариантларда а, ә унлили аффикслар иштирок этади<sup>4</sup>. Демак, архаик *-дун/тун ва дин/дын* аффикслари<sup>5</sup> Иқон шевасида Туркистон шеваси таъсирида пайдо бўлган<sup>6</sup>.

7. Иқон шевасидаги ҳозирги замон давом феълининг *барайанман* шаклида қўлланишини кўрсатади. Бу факт ўз исботини топмади, чунки Туркистон шевасида ҳам, Иқон шевасида ҳам бундай шакл қўлланмайди, балки Туркистон

<sup>3</sup> Мухаммаджонов К. Туркестанский говор узбекского языка .Автореф... на соиск. Канд.фил. наук .-Ташкент.

<sup>4</sup> Абдуллаев Ф. Хоразм шевалари. – Тошкент: Фан, 1961. 149-бет

<sup>5</sup> Абдурахмонов Ғ. Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. 55-бет.

<sup>6</sup> Мухаммаджонов К. Туркестанский говор узбекского языка. Автореф... на соиск. Канд.фил.наук. Ташкент

шевасида *барйатта* дейилса, бугунги Иқон шевасида *баре:тма //баре:пма* шаклига эга.

Бошқа бир буюк диалектолог К. К. Юдахин Иқон шеваси билан бир гуруҳга кирувчи Қорабулоқ шеваси ҳақида маълумот келтиради<sup>7</sup>.

Кейинчалик, Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шеваларига бўлган кизиқиш янада кучайди. Айрим кишлоқ, ҳудуд шеваларига бағишланган илмий ишлар, монографиялар чоп этила бошлади. Мана шу тадқиқотларда ҳам Иқон шеваси ҳақида айрим маълумотларни учратишимиз мумкин. Мисол тариқасида Ф.Абдуллаевнинг "Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси", Қ. Муҳаммаджоновнинг "Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари"<sup>8</sup>, "Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси"<sup>9</sup> номли асарларини келтириш мумкин. "Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари" асарида муаллиф Иқон шевасига деярли тўхталмаган (айрим мисоллардан ташқари). Муаллифнинг ўзи буни асарнинг кириш қисмида таъкидлаб ўтади: "... биз уларни иккита (Чимкент ва Туркистон) катта гурӯҳга ажратиб ўргандик. Текшириш объектими ҳам шу тип шевалар бўлиб, ЖҚЎ шеваларининг ўғуз тип шевалари бизнинг вазифамизга кирмайди". "Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси" монографиясида эса ўғуз тип шевалари ҳам тадқиқот доирасига киритилади. Аммо, ушбу асарда келтирилган мисолларнинг айримлари Иқон шеваси хусусиятларини акс эттирмайди. Масалан, Қ. Муҳаммаджонов кўплик формасига доир шундай маълумотни келтиради: "... жанубий Қозоғистон ўзбек шеваларининг ўғуз ва қипчоқ типларида фақат [з] ундоши билан битган ўзакларга кўплик аффикси – *дар// -дэр* формасида бирикади...Мазкур ҳодиса Сузоқ, Чўлоққўрғон, Қарноқ, Иқон, Бобойқўрғон кишлоқ шеваларида мавжуд бўлиб, Туркистондан Чимкент томон йўналишда сусайиб боради". Ваҳоланки, бизнинг материалларимизда [з] ундоши билан тугаган ўзакларга кўплик формасининг *-дар// -дэр* шакли мутлақо қўшилмайди: *Қы:зларга бар; кү:зларга барьп. [з]* билан тугаган кишилиқ олмошларга қўшилганда эса [л] мутлақо тушиб қолади: *бьзэр, сьзэр(сьллэр)каби*.

-лар кўплик қўшимчасининг функциялари ҳақида тўхталиб, муаллиф қуйидаги фикрни айтади: "... кўплик хурмат формаси сўзловчига нисбатан ёш бўлиб, кўпчиликни ташкил этганда ишлатилади: *балалар, бариңнар оқувга кеш қа:льб отырманнар (Иқон)*". Аммо бу факт ҳам ўз тасдиғини топмади. Иқон шевасида –лар аффикси хурмат маъносини ифодаламайди, у фақат кўплик маъносида келади.

<sup>7</sup> Юдахин К. К. Некоторые особенности карабулакского говора.

<sup>8</sup> Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари. – Тошкент: Фан. 1981. 5-бет.

<sup>9</sup> Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. – Тошкент: Фан. 1983. 19-бет.

Шунингдек, шевада кўпликнинг қуйидаги вариантлари кузатилади:

– *лар*: қы:злар, ба:ллар, ча:ллар;

– *лэр*: кэ:мърлэр, йьгьтлэр,

– *нар*: ме:ма:ннар, тагамнар, барыңнар;

– *нэр*: кэ:льннэр, бе: ңнэр, кэ: ңнэр;

– *эр*: бьзэр, сьзэр каби ҳамда –*лар* аффиксининг тарихий кўш кўплик шакли кўрсатиш олмошларига кўшилганда: *улаллар*.(улар+лар), *булаллар* (булар+лар), *шулаллар* (шулар+лар) тарзида учрайди.

Муаллиф ўғуз хукмронлиги кипчоқлар томонидан барбод этилганлигини таъкидлаб, бу тарихий фактни шева материаллари ҳам тасдиқлашини айтиб ўтади. Мисол сифатида *тав*, *бав*, *сав* сўзларини келтиради: “Чимкент группа ўғуз лаҳжасида *таг*, *баг*, *саг*, лекин Туркистон группа ўғуз лаҳжасида *тав*, *бав*, *сав*...Лекин уларнинг қадимги вариантлари мақол, матал, “ҳаққона” типидagi терма кўшиқлар ва мазкур воҳа учун умумий ва традицион бўлган лапарларда сақланиб қолган: *чөнтэгьда бий тийинь йоқ агзыны а:чын көрәди /Иқон/*”<sup>10</sup> Қ. Муҳаммаджонов Туркистон группа ўғуз шеваларига Қарноқ, Иқон, Ибота каби қишлоқ шеваларини киритади<sup>11</sup>. Аммо юқорида келтирган факт фақат Қарноқ шевасигагина хос бўлиб, Иқон, Ибота шеваларига тўғри келмайди. Иқонликлар кипчоқ шевасига хос *тав*, *бав*, *сав* ни мутлақо ишлатмайди. Бу ҳол Иқон шевасида ўғуз лаҳжа элементлари сақланиб қолганлигини яна бир қарра исботлайди.

Тадқиқотчи тушум келишиги ҳақида шундай дейди: “Ўрганилаётган шеваларда тушум келишигининг ассимилятив формалари Тошкент тип шевалардагидек системали бўлмаса-да, маълум фонетик позицияда учраб туради: *өзьммь жайьммьйәм берәмә уңа /Иқон/*”<sup>12</sup>. Аммо бу фикрни ҳам фактлар тасдиқламаяпти. Тушум келишигининг ассимилятив формалари Иқон шевасида спорадик равишда ҳам учрамади. Биз ёзиб олган материалларга кўра юқоридаги мисол шундай кўринишда бўлиши лозим: *өзьмьң жа:йьмнйәм берәмә уңа*.

Муҳаммадризо ўғли Тўхташ Мамаевнинг “Иқон ва иқонликлар” номли асари Иқоннинг тарихига бағишланган бўлиб, шевага оид бир неча сўзларни санаб ўтиш билан чекланган: *бидона* – бир дона; *бижақ* – биттагина; *эши* – дугона; *тўн кийшиган ўртоқ* – никоҳ дўст; *ошқултоқ* – пиллапоя каби<sup>13</sup>.

Бу сўзлар транскрипция орқали кўрсатилганда, шеванинг хусусияти янада ойдинлашган бўлар эди.

<sup>10</sup> Муҳаммаджонов Қ. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек шевалари морфологияси. –Тошкент: Фан,1983. 33-6.

<sup>11</sup> Ўша китоб. 12-6.

<sup>12</sup> Ўша китоб. 31-6.

<sup>13</sup> Мамаев Т. Иқон ва иқонликлар. – Тошкент: 2003. 66-67 бетлар.

Ўрганилаётган шевамизда бошқа ўзбек шеваларида учрамайдиган, турли экстра- ва интролингвистик факторларга боғлиқ бўлган ажойиб фонетик, грамматик ва лексик хусусиятлар борки, улар олим ва мутахассисларнинг эътиборини жалб этмай қўймайди. Масалан товушларнинг ўрин алмашилиши: *йа:лльқ* – лойиқ, *сўләмәк* – сумалак (метатеза). *Қол* ёрдамчи феъли ўрнида *сол* ёрдамчи феълининг қўлланилиши: *қойә сал* – қўя қол, *едә сал* – айта қол. Буни шева вакиллари қозоқ тилли аҳоли билан ёнма-ён яшаётганлиги билан изоҳлаш мумкин. *әпәжәк* (1-сўлак; 2-лапашанг), *сасай* (1- ўтириб қолган қиз; 2-буйруқ-истак майлидаги феъл), *йәйдәқ* (бўйдоқнинг антоними), *йудрьқ* (мушт) каби диалектал сўзлар эса ушбу шеванинг луғат таркибидаги ўзига хосликни ифода этади. Юқорида келтирилган мисоллар Иқон шевасини ўрганиш зарурлигини яна бир қарра исботлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Иқон шеваси алоҳида тадқиқот объекти сифатида олимлар томонидан алоҳида ўрганилган эмас. Айрим тадқиқотчиларнинг ишларида келтирилган жузъий мисоллар эса баҳс ва мунозараларга сабаб бўлмоқда. Мана шу фактларнинг ўзи мавзунинг нечоғлиқ долзарб эканлигини, шевани бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, тадқиқ этиш зарурияти мавжудлигини кўрсатмоқда.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MADANIYAT VAZIRLIGI  
O'ZBEKISTON DAVLAT SAN'AT VA MADANIYAT INSTITUTINING FARG'ONA MINTAQAVIY FILIALI  
"ORIENTAL ART AND CULTURE" ILMIY-METODIK JURNALI

## O'ZBEKISTONDA ILM-FAN VA TA'LIM

KONFERENSIYASIDA

**XIDRALIEVA ZAXIRA**

O'ZBEK TILI IQON SHEVASINING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

MAQOLASI BILAN ISHTIROK ETGANINI TASDIQLOVCHI

# SERTIFIKAT

Tashkiliy qo'mita raisi:



*Sh. Usmonov*

Sh.Usmonov

26 Mart, 2020 yil

ICI WORLD of JOURNALS  
Academic Research Index Research Center  
Google Scholar

